Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармаси

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Бош бошқарма бошлиғи

ARXITEKTURA REJALASHTIRISH TOPSHIRIQLARI BO'LIMI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR QURILISH BOSH BOSHQARMASI

____________ Б.З.Халматов.
«21» 05 2020 й.

# АРХИТЕКТУРА РЕЖАЛАШТИРИШ ТОПШИРИҒИ
**926Т- сонли**

**(Қурилиш учун асос бўла олмайди)**

| | |
|---|---|
| **Буюртмачи:** | «GREAT VERTEX» маъсулияти чекланган жамияти. |
| **Бино (иншоот тури):** | Кўп қаватли автотураргох ҳудудида қўшимча кўп қаватли автотураргох биноси ва бир қисмидакўп қаватли турар-жой биносини қуриб реконструкция қилиш. |
| **Манзили:** | Учтепа тумани, 15-мавзесида. |

Манзил: Ислом Каримов кўчаси, 55-уй

| Архитектура Режалаштириш Топшириқларининг бўлимлари | Бўлимларнинг мазмуни |
|---|---|
| Архитектура режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш учун асос бўлган хужжатлар | - Учтепа тумани хокимининг 2020 йил, 06-ноябрдаги 13896161-1-сонли РУХСАТНОМАСИ.<br>- Учтепа тумани Давлат хизматлари марказининг Объектни реконструкция қилишга тегишли 2020 йил, 12-майдаги 18961981-рақамли 30-955-сон билан элаектрон буюртмаси. |
| Ер майдонининг жойлашиш ва бош режада тутган ўрни | - Объект турар-жой бинолари ҳудудида жойлашган бўлиб, ер майдони муҳандислик тармоқлари билан таъминланган. |
| Ер майдонининг табиий ва иқлимий кўрсатгичлари | -Шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилаётган ер майдони IV Б иқлим (климат) ҳудудида жойлашган.<br>Хаво ҳарорати:<br>Ўртача йиллик 25,1° С<br>Баланд харорат 40° С<br>Паст харорат -18° С |
| Ер майдонининг инженерлик жиҳатидан ўрганилганлиги | - Объектнинг инженерлик ҳолатини ўрганиш учун «O'ZGASHKLITI» давлат унитар корхонасининг Тошкент шаҳар филиалига 1:500 нисбатдаги топохарита ишлаб чиқиш учун буюртма берилиши лозим.<br>- Ер майдонининг чегаралари 1:2000 нисбатдаги топохаритада тахминий кўрсатилган.<br>- Ер майдонида капитал таъмирлаш ва реконструкция қилинаётган илмий-тадқиқот ташкилотининг бино ва иншоотларини жойлаштириш ишлари «O'ZGASHKLITI» давлат унитар корхонаси томонидан бажарилган геологик (геодезик) изланишлар ва 1:500 нисбатдаги топохарита ва инженер геологик хулосаларга асосан олиб борилсин, ҳамда шаҳарсозлик хужжатлари ишлаб чиқувчи ташкилот ва туман архитектори томонидан чегараларига аниқлик киритилсин. |
| Қизил чизиқлар ва қизил белгилар | - Ер майдонининг тасдиқланган чегарасидан чиқмасдан, Чилонзор кўчасининг қизил чизиқ ва қурилиш чизиқларига амал қилган ҳолда, лойиҳа ишларини олиб борилиши таъминлансин. |
| Архитектура талаблари | - Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида ШНК 2.07.01-03 шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларидаги шартлари бажарилсин.<br>- Кўп қаватли автотураргох ҳудудида қўшимча кўп қаватли автотураргох биноси ва бир қисмида кўп қаватли турар-жой биносини қуриб реконструкция қилинаётган бинони лойиҳалаш жараёнида қурилган ва қурилиши мўлжалланган биноларга боғланган ҳолда ягона архитектура кўринишини (ансамблини) ташкил этиш инобатга олинсин.<br>- Лойиҳа ташкилоти, Архитектура Режалаштириш Топшириқларига ҳамда, буюртмачи томонидан тасдиқланган ва қурилиш Бош бошқармаси томонидан келишилган «Лойиҳа топшириқларига» ҳамда 1:500 нисбатдаги топохаритадаги тасдиқланган чегараларига амал қилинсин. |

| | |
|---|---|
| | - Лойиҳалаштирилаётган турар-жой бинолари ён атрофида жойлашганлиги сабабли, санитария ва ёнғиндан сақлаш нормалари асосида мавжуд бинолардан оралиқни сақлаш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилсин.<br>- Объектни лойиҳалаш жараёнида қурилган ва қурилиши мўлжалланган биноларга боғланган ҳолда ягона архитектура кўринишини (ансамблини) ташкил этиш инобатга олинсин.<br>- Объект биносининг бош режасини лойиҳалашда шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқувчи ташкилот томонидан, кўп қаватли автотураргох ҳудудида қўшимча кўп қаватли автотураргох биноси ва бир қисмида кўп қаватли турар-жой биносини қуриб реконструкция қилинаётган биноси туширилган (жойлаштирилган) ҳамда объект атрофида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари акс эттирилган, автомобил тўхташ жойлари ташкил этилган 1:500 нисбатдаги бош плани ишлаб чиқилсин. |
| Мавжуд биноларни бузилиши ва қайта фойдаланиланиш ҳақида. | - Ер майдонида бузиладиган бино ва иншоотлар лойиҳа асосида аниқлансин |
| Босқичма-босқич лойиҳалаштириш ва қуриш ҳақида | - Шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқиш икки босқичдан, қурилиш қилиш ишлари бир босқичдан иборат. |
| Ер майдонини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳақида | - Лойиҳа хужжатларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш қисмида бинонинг атрофида игна баргли, манзарали дарахтлар ва мавсумий кўркамлик даражаси бор бўлган кўчат ва гуллар ўтказилиши инобатга олинсин.<br>-Кўкаламзорлаштириш ҳудудларини кўк чимлар билан қоплаш, ландшафт архитектурасига эътибор берган ҳолда экилган дарахтларга шакл берилсин. |
| Санитария гигиена талаблари ҳақида | -Санитария гигиена талаблари (ШНК) 2.07.01-03 шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига ҳамда( СҚ ва М) 0350-17. (СанП иН) асосан лойиҳалаштирилсин. |
| Ёнғиндан сақланиш талаблари ҳақида | -Ёнғиндан сақланиш талаблари (ШНК) 2.02.01-04 шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига асосан лойиҳалаштирилсин. |
| Экология талаблари ҳақида | -Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунига, асосан барча экологик меъёрларга амал қилиш инобатга олинсин ҳамда санитария гигиена талабларига жавоб берадиган қурилиш молларидан фойдаланилсин. |
| Лойиҳа ишларини тасдиқлатиш | - Шаҳарсозлик ҳужжатларини, лойиҳалаш ташкилоти томонидан, Бош бошқарма қошидаги «Архитектура ва шаҳарсозлик кенгашига» ўрнатилган қуйидаги тартибда тақдим этилиши керак.<br>-Бино жойлашган ҳудуднинг чегаралари ва қизил чизиқлари туширилган 1:500 нисбатдаги топохаритада ҳудуднинг бош режаси.<br>-Биноларнинг тарз ва ён кўринишлари.<br>-Бино ва иншоотларнинг тарҳи, қирқимлари ва хоналар экспликацияси. |

| | |
|---|---|
| | - Объектнинг ҳолати ва мавжуд бино ва иншоотлар билан боғлиқлиги (развёртка фасадов) ва фотосуратлар<br>- Перспектива |
| Буюртмачига ва лойиҳачига қуйилаётган талаблар | - Шаҳарсозлик хужжатларини белгиланган тартибда «Архитектура ва шаҳарсозлик кенгаши»нинг тавсияномаси ва экспертиза хулосаси бўйича кўрсатилган камчиликларни бартараф этади.<br>Лойиҳа хужжатлари «Архитектура ва шаҳарсозлик кенгаши»нинг ижобий хулосасидан сўнг, экспертиза бошқармасига тақдим этилсин.<br>- Қурилиш-монтаж ишларини бошлашдан аввал Тошкент шаҳар Қурилиш соҳасидаги назорат инспекциясидан қурилиш-монтаж ишларини ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказиш шарт. |
| Қўшимча талаблар | - Шаҳарсозлик хужжатлари ишлаб чиқиш жараёнида қурилиш меъёрлари ва қоидалари шу билан бирга, зилзилага бардошлик, ҳамда ШНҚ 2.07.01-03 шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талаблари инобатга олинсин. |
| Архитектура Режалаштириш Топшириқларга амал қилиш муддати | -Мазкур Архитектура Режалаштириш Топшириқларига амал қилиш муддати объект фойдаланишга топширилгунга қадар этиб белгиланади. |

КЕЛИШИЛГАН:

Архитектура-режалаштириш топшириқлари бўлими бошлиғи в.б. Р.Илхомов

Архитектура режалаштириш топшириғини тузувчи Ш.Рахимов


CHILONZOR-15
sport mayd.
musulm. qabris.
Bog'obod k.
bet. bas.
qur. mayd.
bol. bog'.
yerto'la
gar.
M gar.
bet.
416.5
416.9
417.2
419.1
420.1
421.2
421.6
421.8
422.4
419.8
419.2
420.1
419.5
418.4
416.7
416.8

# ТАЪРИФНОМА

1. «GREAT VERTEX» маъсулияти чекланган жамиятига кўп қаватли автотураргох ҳудудида қўшимча кўп қаватли автотураргох биноси ва бир қисмида кўп қаватли тура ржой биносини қуриб реконструкция қилиш бўйича шахарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича 1-индекс орқали кўрсатилган жой.
2. Лойиҳадаги қурилиши мўлжаланган турар-жой бинолари.
3. 4-5-қаватли турар-жой бинолари.
4. Мактаб биноси.
5. Қабристон ҳудуди.

| | | |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар Қурилиш Бош бошқармаси | | |
| Архитектура режалаштириш топшириғи. | | |
| Буюртмачи: «GREAT VERTEX» маъсулияти чекланган жамияти. | | |
| Объект: Кўп қаватли автотураргох ҳудудида қўшимча кўп қаватли автотураргох биноси ва бир қисмида кўп қаватли тура ржой биносини қуриб реконструкция қилиш. | | |
| Ўлчови 1: 2000 | | |
| АРТ бўлими Бошлиғи в.б. | | Р.Илхомов. |
| Ишлаб чиқди | | Ш.Рахимов. |
| Кўчирди | | Г.Сагдуллаев |